

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 23 » май 2019 у. № 428

Toshkent sh.

**Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи
жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг устувор лойиҳалари ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4224-сон қарори билан 2019 йилда Ислом тараққиёт банки гуруҳи (кейинги ўринларда ИТБ деб аталади) ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (кейинги ўринларда АМГ деб аталади) билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) тасдиқланганлиги, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатини ИТБ ва АМГ жамғармалари билан пухта ишлаб чиқиш тавсия қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг 2019 йил 5-6 апрелда Марокаш шаҳрида (Марокаш) ИТБ Бошқарувчилар Кенгашининг Йиллик мажлисида иштироки яқунлари ва ИТБ ва АМГ жамғармалари раҳбарлари билан ўтказилган музокаралар яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг ИТБ гуруҳи ва АМГ жамғармалари билан ҳамкорликни мустақамлашга йўналтирилган янги аҳдлашувларга эришилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ислом тараққиёт банки гуруҳи (ИТБ) ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича, шу жумладан, янги аҳдлашувларни амалга оширишни назарда тутувчи Ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ислом тараққиёт банки гуруҳи (ИТБ) ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ;

Ислом тараққиёт банки билан биргаликда амалга ошириш таклиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан биргаликда амалга ошириш таклиф қилинаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари – масъул ижрочилар:

тасдиқланган “Йўл хариталари” ва ушбу қарорга 2 ва 3-иловаларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг тадбирлари ўз вақтида, самарали ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини;

ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-кунигача “Йўл хариталари” ва ушбу қарорга 2 ва 3-иловаларга киритилган инвестиция лойиҳалари тадбирлари амалга оширилиши тўғрисида ахборот Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

тасдиқланган “Йўл хариталари” ўз вақтида амалга оширилиши ва ушбу қарорга 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган лойиҳалар пухта ишлаб чиқилиши бўйича вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва хўжалик бирлашмалари иши самарали мувофиқлаштирилишини, шунингдек, юзага келадиган масалалар тезликда ҳал қилинишида уларга ёрдам берилишини таъминласин;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари – масъул ижрочиларнинг “Йўл хариталари”нинг уларга бириктирилган бандлари сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш юзасидан улар томонидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитган ҳолда “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли асосда мониторинг олиб борсин;

ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига “Йўл харитаси” ва ушбу қарорга 2 ва 3-иловаларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ижроси тўғрисида таҳлилий ахборот киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М.Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 майдаги
428 -сон қарорига
1-илова

Ислом тараққиёт банки гуруҳи (ИТБ) ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Ҳаракатлар режаси («Йўл харитаси»)

Т/ Р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Амалга ошириш учун маъсуллар	
				Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари	Вазирлар Маҳкамаси
ИТБ билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар					
1	2018-2021 йилларда ИТБ билан ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш.	<p>1. 2019-2021 йилларда ИТБ билан биргаликда амалга ошириш таклиф қилинаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш (йиллар ва йўналишлар бўйича).</p> <p>2. Лойиҳаларнинг тасдиқланган рўйхатини ИТБга юбориш.</p> <p>3. Тасдиқланган рўйхатига киритилган истиқболли инвестиция лойиҳалари изчил амалга оширилиши масалаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил май</p> <p>белгиланган муддатларда</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев), вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров</p> <p>Н.Қўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов</p>
2	Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасидаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ривожлантириш бўйича Грант битимни амалга ошириш.	<p>1. Марказни қўлёзмаларни рақамлаштириш ускунаси билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Лойиҳанинг консултантини аниқлаш ва унинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш.</p> <p>3. Лойиҳа консултанти билан биргаликда марказ фаолиятини ривожлантириш концепциясини тайёрлаш.</p> <p>4. Вазирлар Маҳкамасига марказ фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>2019 йил I ярим йиллиги</p> <p>2019 йил III чорак</p> <p>2019 йил IV чорак</p> <p>2019 йил декабрь</p>	<p>Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (Зиёдов), Ислом цивилизацияси маркази (Миноваров), Дин ишлари бўйича қўмита (Акрамов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев)</p>	<p>Э.Ғаниев</p> <p>Н.Қўшназаров Б.Алиханов А.Джуробаев</p>

3	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновацион маркази фаолиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасидаги Грант битимни амалга ошириш.</p>	<p>1. Лойиҳа консултантини аниқлаш ва унинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш.</p> <p>2. Консултант билан биргаликда марказ фаолиятини ривожлантириш концепциясини тайёрлаш.</p> <p>3. Вазирлар Маҳкамасига марказ фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>2019 йил II-III чорақлар</p> <p>2019 йил IV чорақ</p> <p>2019 йил декабрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Ўрмон хўжалиги қўмитаси (Бакиров)</p>	<p>Э.Ғаниев</p> <p>Н.Қўшназаров</p> <p>Б.Алиханов</p> <p>А.Равшанов</p>
4	<p>Лойиҳалар доирасида қуйидагилар амалга оширилишини назарда тутувчи қўшимча ишлар ҳажмларини бажариш учун умумий суммаси 115 млн доллар тежалган маблағлардан фойдаланиш масалаларини ИТБ билан ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - онкология муассасаларини куриш ва жиҳозлаш (12 млн доллар); - Хоразм вилоятида ирригация тизимининг суғориш каналларини реконструкция қилиш (15,8 млн доллар); - Сурхондарё вилоятида Хазарбоғ-Оққапчиғай каналлари тизимини реконструкция қилиш (31,7 млн доллар); - қишлоқ жойларда уй-жой курилиши (55 млн доллар). 	<p>1. Ишларнинг қўшимча ҳажми ва талаб этиладиган асбоб-ускуналар бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва ИТБга юбориш.</p> <p>2. Ишларнинг қўшимча ҳажмларини келишиш ва лойиҳа тадбирларини кенгайтириш учун ИТБ миссиясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш.</p> <p>3. Тежалган маблағлардан фойдаланишга, жорий лойиҳалар бўйича амалдаги пудратчилар билан тўғридан-тўғри контрактлар тузишга ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини узайтиришга ИТБнинг маъқуллашини олиш.</p> <p>4. Ишларнинг қўшимча ҳажмларини бажаришнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>5. Лойиҳа тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил июнь-июль</p> <p>2019 йил июль</p> <p>2019 йил июль</p> <p>тармоқ жадваллари бўйича</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Агросаноат комплекси ва озиқ-овқат таъминоти агентлиги (Шоаҳмедов), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев), «Қишлоқ курилиш инвест» ИК (Ҳошимбеков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков)</p>	<p>Э.Ғаниев</p> <p>Ж.Қўчқоров</p> <p>А.Абдухакимов</p> <p>Н.Қўшназаров</p> <p>Б.Алиханов</p> <p>К.Ризаев</p> <p>А.Равшанов</p> <p>А.Ортиқов</p>
5	<p>М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг иккита участкасида (21 км) куриш ва реконструкция қилиш учун ИТБ молиялаштиришини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш (29,6 млн доллар).</p>	<p>1. Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва ИТБга юбориш.</p> <p>2. Лойиҳани амалга ошириш учун ИТБ молиялаштиришини жалб этиш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил III чорақ</p>	<p>Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков)</p>	<p>Э.Ғаниев</p> <p>Ж.Қўчқоров</p> <p>Н.Қўшназаров</p> <p>Б.Алиханов</p> <p>Ш.Абидов</p> <p>А.Ортиқов</p>

6	<p>“Обод қишлоқ” дастури доирасида қишлоқ жойларда инфратузилмани модернизациялаш бўйича тадбирларни биргаликда молиялаштиришда ИТБни иштирок этишга жалб қилиш.</p>	<p>1. Лойиҳанинг концепциясини ва лойиҳа ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа ҳужжатларини ва буюртманомаларни молиялаштириш учун ИТБга юбориш. 3. Лойиҳани амалга ошириш шартларини ИТБ билан келишиш.</p>	<p>2019 йил май-июнь 2019 йил июль 2019 йил II ярим йиллиги</p>	<p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев), Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Энергетика вазирлиги (Султанов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев), вилоятлар ҳокимликлари</p>	<p>Ж.Кўчқоров Э.Ғаниев А.Ортиқов Ш.Абидов Ш.Саматов Н.Қўшназаров Б.Алиханов</p>
7	<p>Ўзбекистонда ИТБ Бошқарувчилар кенгашининг Йиллик мажлисини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Йиллик мажлисни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг салоҳиятини ўрганиш учун ИТБ миссияси таширини ташкил этиш. 2. Тадбирларни ўтказиш муддатлари ва жойи бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>2019 йил II-III чорақлар Жавоб олинганидан кейин</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев)</p>	<p>Э.Ғаниев Н.Қўшназаров Б.Алиханов</p>
8	<p>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро тушуниш тўғрисидаги Меморандумларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Имзоланган меморандумларни амалга ошириш тадбирлари режаларини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирлар режаларини амалга ошириш.</p>	<p>2019 йил май 2019 йил давомида</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Мажидов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиқов), Ўзбекистон Миллий университети (Мараҳимов), Тошкент ахборот технологиялари университети (Тешабаев)</p>	<p>К.Ризаев С.Абдуллаев</p>

9	Тошкент тиббиёт академияси, Халқаро ислом академияси ва Ислом тараққиёт банки ўртасида ўзаро тушуниш тўғрисидаги Меморандумларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш.	<p>1. Меморандумларни имзолаш масаласи бўйича ИТБга сўров юбориш.</p> <p>2. Меморандумларни имзолаш.</p> <p>3. Имзоланган меморандумларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Тадбирлар режаларини амалга ошириш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил май-июнь</p> <p>2019 йил июнь</p> <p>2019 йил</p>	Тошкент тиббиёт академияси (Тўйчиев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Халқаро ислом академияси (Ёвқочев)	К.Ризаев А.Джурабаев
ИТБ Гуруҳи ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар					
10	Ислом хусусий секторни ривожлантириш корпорациясини (ИХСРК)нинг 130 минг долларлик суммага акцияларига обуна тўлови масаласини ишлаб чиқиш.	<p>1. ИХСРК акцияларига обуна тўлови манбаларини аниқлаш.</p> <p>2. ИХСРКнинг обуна капиталига акцияларга Ўзбекистон Республикасининг обуна тўлови масаласи бўйича Ҳукумат қарорини тайёрлаш.</p> <p>3. Акцияларга тўловни амалга ошириш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил июнь</p> <p>Ҳукумат қарори қабул қилинишига кўра</p>	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев), Адлия вазирлиги (Давлетов), тижорат банклари	Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров Н.Қўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов
11	ИХСРК раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш.	<p>1. ИХСРК раҳбариятига таклифномани тайёрлаш ва юбориш.</p> <p>2. ИХСРК раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифи муддатларини келишиш.</p> <p>3. ИХСРК раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил июнь</p> <p>келишилган муддатларда</p>	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов, Вафаев), тижорат банклари	Э.Ғаниев Н.Қўшназаров Б.Алиханов

12	<p>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун АТБ “Алоқабанк” орқали 10 млн долларлик суммага ИХСРК молиялаштириши линиясини жалб этиш.</p>	<p>1. АТБ “Алоқабанк” учун молиялаштириш линиясини очиш тўғрисида ИХСРКнинг таклифларини кўриб чиқиш.</p> <p>2. Молиялаштириш линиясини жалб этиш бўйича тасдиқномани ИХСРКга юбориш.</p> <p>3. Кредит битимини тузиш масаласини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил июнь</p> <p>келишилган муддатларда</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиқов), АТБ «Алоқабанк» (Ирисбекова)</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Кўчқоров</p> <p>Н.Кўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов С.Абдуллаев</p>
13	<p>ИХСРК билан ҳамкорликни кенгайтириш.</p>	<p>1. Мамлакатга доир лимитни кўпайтириш ва Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш масаласи бўйича ИХСРКга сўров юбориш.</p> <p>2. ИХСРК билан янги кредит битимлари тузиш масалаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ўзбекистонда ислом молиялаштириши инфратузилмасини ривожлантириш доирасида ИХСРКнинг маслаҳат ёрдамини жалб қилиш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил</p> <p>2019 йил</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Марказий банк (Норкулов), Молия вазирлиги (Исаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев), тижорат банклари</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Кўчқоров</p> <p>Н.Кўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов Ф.Ташпулатов</p>
14	<p>Ўзбекистон Республикасининг Халқаро ислом савдо-молиявий корпорацияга (ХИСМК) ва Ислом инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурта қилиш корпорациясига (ИИЭКСК) кириши бўйича ички давлат тартиботларини яқунлаш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4147-сон қарори билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ХИСМК ва ИИЭКСК акцияларига Ўзбекистон Республикасининг обуна тўловини таъминлаш.</p>	<p>2019 йил май</p>	<p>Молия вазирлиги (Исаков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев)</p>	<p>Ж.Кўчқоров Э.Ғаниев</p> <p>А.Ортиқов Н.Кўшназаров Б.Алиханов</p>
15	<p>Ўзбекистон Республикасида экспортдан олдин молиялаштиришни ривожлантириш, шу жумладан, банкнинг экспорт молиялаштириш фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун ХИСМК ва</p>	<p>1. Экспорт молиялаштириш банкни ташкил этишда ХИСМК ва ИИЭКСК механизмини белгилаш.</p> <p>2. Экспорт молиялаштириш банкни ташкил этишда ХИСМК ва ИИЭКСК иштироки бўйича биргаликдаги ҳаракатлар режасини ишлаб</p>	<p>2019 йил май-июнь</p> <p>2019 йил июнь</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Абидов), Молия вазирлиги (Исаков), Марказий банк</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Кўчқоров</p> <p>Н.Кўшназаров Ф.Каимбаев А.Ортиқов</p>

	ИИЭКСКнинг маслаҳат кўмагини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш.	чиқиш ва келишиш. 3. Биргаликдаги ҳаракатлар режасини амалга ошириш.	2019 йил	(Норкулов), тижорат банклари	
16	Ўзбекистон Республикаси билан ХИСМК ўртасида ўзаро тушуниш тўғрисидаги ҳадли Меморандумни амалга ошириш (100 млн доллар).	1. ХИСМК билан 18 млн доллар суммага (“Туронбанк” 7 млн доллар, бошқа банклар - 11 млн доллар) билан кредит битимлари имзоланиши масалаларини ишлаб чиқиш. 2. Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерларини молиялаштириш учун Меморандум доирасида ХИСМКнинг 50 млн доллар кредит линиясини жалб этиш масаласини ишлаб чиқиш. 3. ХИСМКнинг кредит линияларини ўзлаштириш.	2019 йил II чорак 2019 йил май-июнь 2019 йил	Туронбанк (Мирзаев), Молия вазирлиги (Исаков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), тижорат банклари	Э.Ғаниев Ж.Кўчқоров Н.Кўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов
17	Ўзбекистон Республикаси билан ХИСМК ўртасида ўзаро тушуниш тўғрисидаги ҳадли Меморандумни амалга ошириш (500 млн доллар).	1. Корпорациянинг кредит линияси ҳисобига молиялаштириш учун лойиҳалар рўйхатини шакллантириш ва ХИСМКга тақдим этиш. 2. Лойиҳаларни молиялаштириш учун ХИСМК билан кредит битимларини имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш. 3. ХИСМКнинг кредит линияларини ўзлаштириш.	2019 йил май-июль 2019 йил II ярим йиллик шартномалар имзоланишига кўра	Тижорат банклари, “Ўзмилийбанк” (Мирсоатов), “Ўзсаноатқурилишбанк” (Вонтов), “Асака” банки (Сайдуллаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев)	Э.Ғаниев Ж.Кўчқоров Н.Кўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов Ф.Топпулатов
18	Экспортни қўллаб-қувватлаш агентлигини ва Хорижий инвестицияларни жалб қилиш агентлигини институционал ривожлантириш учун ИИЭКСКнинг маслаҳат кўмаги масалаларини ишлаб чиқиш.	1. Кўмаклашиш шакллари ва механизмларини аниқлаш учун ИИЭКСК миссиясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш. 2. Экспортни қўллаб-қувватлаш агентлигини ва Хорижий инвестицияларни жалб қилиш агентлигини институционал ривожлантиришда ИИЭКСКнинг иштироки бўйича биргаликдаги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва келишиш. 3. Биргаликдаги ҳаракатлар режасини амалга ошириш.	2019 йил II чорак 2019 йил июль 2019 йил	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Абидов)	Э.Ғаниев Н.Кўшназаров Ф.Каимбаев

19	<p>Ўзбекистонда илм-фан, технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш бўйича экотизимлар ташкил этиш учун ИТБнинг Илм-фан, технология ва инновацияларни ривожлантириш жамғармаси орқали ИТБнинг кўмагини жалб этиш масаласини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Ўзбекистонда илм-фан, технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш бўйича экотизимлар ташкил этиш доирасида Банкнинг кўмагини жалб этиш бўйича ИТБга сўров юбориш. 2. Юқорида кўрсатиб ўтилган экотизимларни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама қилиш учун ИТБ эксперт миссияларини таклиф қилиш. 3. ИТБ кўмаги доирасида экотизимларни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.</p>	<p>2019 йил май 2019 йил июнь-июль 2019 йил</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов)</p>	<p>Э.Ғаниев Н.Қўшназаров Б.Алиханов С.Абдуллаев</p>
АМГ билан ҳамкорликни ривожлантириш тадбирлари					
20	<p>Ўзбекистонда Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишни биргаликда молиялаштиришга АМГ ва ИТБ жамғармаларининг иштироки масалаласини ишлаб чиқиш (120 млн доллар).</p>	<p>1. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини ва уни биргаликда молиялаштиришга буюртманомаларни АМГ ва ИТБ жамғармаларига юбориш 2. Дастурни биргаликда амалга ошириш тафсилотларини келишиш учун АМГ жамғармалари ва ИТБ миссияларининг Ўзбекистонга таширларини ташкил этиш. 3. АМГ жамғармалари ва ИТБ молиялаштиришини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил май 2019 йил II чорак 2019 йил</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Молия вазирлиги (Исаков)</p>	<p>Э.Ғаниев А.Абдуҳакимов Ж.Қўчқоров Н.Қўшназаров Б.Алиханов К.Ризаев А.Ортиқов</p>
21	<p>Қишлоқ уй-жой қурилиши, ичимлик сув таъминоти ва соғлиқни сақлаш соҳаларида устувор лойиҳаларни молиялаштиришда Қувайт араб иқтисодий ривожлантириш жамғармасининг (ҚАИРЖ) иштироки (138,5 млн доллар).</p>	<p>1. ҚАИРЖ миссияларининг Ўзбекистонга таширларини ташкил этишга буюртманомалар юбориш. 2. Лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2019 йил май 2019 йил июнь-июль</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК (Ҳошимбеков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов),</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров Н.Қўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов К.Ризаев Ш.Абидов</p>

		<p>3. Лойиҳаларни молиялаштириш ҚАИРЖ томонидан маъқулланиши.</p> <p>4. ҚАИРЖ билан лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги битимларни имзолаш.</p>	2019 йил	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев)	
22	<p>Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш учун техник кўмаклашиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва ҚАИРЖ ўртасидаги Грант битимни амалга ошириш (480 минг доллар).</p>	<p>1. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш бўйича консултантни аниқлаш масаласини ҚАИРЖ билан ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Консултант билан биргаликда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини ваколатли экспертиза органлари билан келишиш.</p>	<p>2019 йил II чорак</p> <p>2019 йил III-IV чорак</p> <p>2019 йил IV чорак</p>	<p>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев)</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров</p> <p>Н.Қўшназаров Б.Алиханов Ш.Абидов А.Ортиқов</p>
23	<p>Ичимлик сув таъминоти ва қишлоқ уй-жой қурилиши соҳасида устувор лойиҳаларни молиялаштиришда Саудия тараққиёт жамғармасининг (СТЖ) иштироқи (97,5 млн доллар).</p>	<p>1. СТЖ миссияларининг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этишга буюртманомаларни юбориш.</p> <p>2. Лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Лойиҳаларни молиялаштириш СТЖ томонидан маъқулланиши.</p> <p>4. СТЖ билан лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги битимларни имзолаш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил июнь-июль</p> <p>2019 йил</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК (Ҳошимбеков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев)</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров</p> <p>Н.Қўшназаров Б.Алиханов Ш.Абидов А.Ортиқов</p>
24	<p>Наманган вилоятида ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун ОПЕК жамғармасининг 54 млн долларгача ҳажмда молиялаштиришини жалб қилиш.</p>	<p>1. Қарз битими лойиҳасини ОПЕК жамғармаси билан келишиш.</p> <p>2. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>3. Қарз битими кучга киришини таъминлаш масалаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил II чорак</p> <p>2019 йил III чорак</p> <p>2019 йил IV чорак</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Молия вазирлиги (Исаков)</p>	<p>Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров</p> <p>Н.Қўшназаров Б.Алиханов Ш.Абидов А.Ортиқов</p>

25	ОПЕК жамғармаси билан ҳамкорликни кенгайтириш.	<p>1. Шу жумладан, хусусий секторни молиялаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш учун жамғарма воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш таклиф қилинаётган аниқ лойиҳалар рўйхатини тайёрлаш ва ОПЕК жамғармасига юбориш.</p> <p>2. Келишилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ОПЕК жамғармасининг молиялаштиришни жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил II чорак</p> <p>2019 йил III чорак</p>	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Хўжаев)	Э.Ғаниев Ж.Қўчқоров Н.Қўшназаров Б.Алиханов А.Ортиқов
26	Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишни биргаликда молиялаштиришда Абу-Даби ривожлантириш жамғармасининг (АДРЖ) иштироки (120 млн доллар).	<p>1. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш дастури концепциясини ва уни биргаликда молиялаштиришга буюртманомаларни АДРЖга юбориш.</p> <p>2. Дастурни биргаликда амалга оширишнинг тафсилотларини келишиш учун АДРЖ миссиясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш.</p> <p>3. АДРЖ молиялаштиришини жалб этиш масалалари ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил II чорак</p> <p>2019 йил</p>	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Вафаев), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Молия вазирлиги (Исаков)	Э.Ғаниев А.Абдуҳақимов Ж.Қўчқоров Н.Қўшназаров Б.Алиханов К.Ризаев А.Ортиқов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 23 майдаги
428 -сон қарорига
2-илова

**Ислом тараққиёт банки билан биргаликда амалга ошириш таклиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари
рўйхати**

млн доллар

Т/ Р	Лойиҳанинг номи	Лойиҳанинг мақсади	Лойиҳа- нинг қиймати	Кредит суммаси	Асос
2019 йил					
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги					
1	“Обод қишлоқ” дастури доирасида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқларида сув таъминоти, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш.	Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ва бориш қийин бўлган туманлари аҳолиси ҳаёт сифатини тубдан ўзгартириш, худудлар, йўлларни ободонлаштириш, сув таъминоти ва канализация, электр тармоқлари тизимларини таъмирлаш лойиҳаларни амалга ошириш.	200,0	200,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сон қарори
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги					
2	Ихтисослаштирилган кардиология ёрдами кўрсатувчи Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини ва унинг муассасаларини тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш.	Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ва унинг 12 та минтақавий филиали ва диспансерларини жиҳозлаш. Оғир юрак-қон томир касалликларига ташхис қўйиш, даволаш ва улар профилактикасининг инновацион усулларини жорий этиш.	32,0	25,0	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1057-сон қарори
3	Ихтисослаштирилган эндокринология ёрдами кўрсатувчи Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг муассасаларини жиҳозлаш.	Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг муассасаларини замонавий юқори технологик ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш.	20,0	15,7	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги					
4	Болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил моделларини такомиллаштириш.	2532 та маҳалла кўмиталари ҳузурида болаларнинг қисқа муддат бўлиши гуруҳларини ташкил этиш йўли билан болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида болаларни камраб олишни кенгайтириш, аҳолининг турли қатламлари учун тенг фойдаланишни таъминлаш, мактабгача таълим соҳасида давлат хизматлари сифатини яхшилаш, уларни зарур мебель, асбоб-ускуналар, ўйин зоналари, ўқув-методологик материаллар, ўйинлар ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан жиҳозлаш, мактабгача таълимнинг муқобил моделларини жорий этиш.	35,6	35,6	Мактабгача таълим вазирлиги таклифи
5	Замонавий технологиялар асосида Мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш дастури амалга оширилишини биргаликда молиялаштириш.	Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.	120,0	30,0	Мактабгача таълим вазирлиги таклифи
Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги					
6	Сурхондарё вилоятида сувни тозалайдиган иншоот билан "Тупаланг-Термиз" минтақалараро сув қувурларини қуриш.	Ишлаб чиқариш қуввати суткасига 200,0 минг м куб бўлган "Тупаланг" сув тозалаш иншоотларини қуриш.	187,5	150,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сон қарори
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги					
7	М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг икки участкасини (21 км) қуриш ва реконструкция қилиш.	1395-1400 км ва 1410-1426 км участкаларда цемент-бетон қопламали 4 полосали автомобиль йўли қуриш ва реконструкция қилиш.	29,6	29,6	Транспорт вазирлиги таклифи
8	1037-1081 км участкада М-39 "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	Автомобиль йўлининг сифатини яхшилаш ва ўтказиш қувватини ошириш учун цемент-бетон қопламали 4 полосали автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	105,6	88,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сон қарори

9	“Тахтақарачи” довони орқали туннел қурган ҳолда 1410-1426 км ва 1395-1400 км участкада М39 “Олмаота-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	Автомобиль йўлининг сифатини яхшилаш ва ўтказиш қувватини ошириш учун цемент-бетон қопламали 4 полосали автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	46,0	42,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сон қарори
2019 йил учун ҳаммаси			776,3	615,9	
2020 йил					
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги					
10	“Обод қишлоқ” дастури доирасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида сув таъминоти, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чекка ва бориш қийин бўлган туманлари аҳолиси ҳаёт сифатини тубдан ўзгартириш, ҳудудлар, йўللарни ободонлаштириш, сув таъминоти ва канализация, электр тармоқлари тизимларини таъмирлаш лойиҳаларни амалга ошириш.	200,0	200,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сон қарори
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги					
11	Республика онкология хизмати муассасаларини замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш.	Республика онкология илмий маркази ва 14 та минтақавий онкология диспансерларини замонавий юқори технологик ташхис қўйиш ва даволаш (жарроҳлик, кимётерапия, радиотерапевтик, иммуногистологик ва бошқалар) ускуналар билан жиҳозлаш.	90,0	67,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон қарори
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги					
12	1444-1622 км участкада М-41 “Бишкек-Душанбе-Термиз” автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	Автомобиль йўлининг сифатини яхшилаш ва ўтказиш қувватини ошириш учун цемент-бетон қопламали 4 полосали автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	392,0	356,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сон қарори
2020 йил учун ҳаммаси			682,0	623,0	

2021 йил					
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги					
13	“Обод қишлоқ” дастури доирасида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари қишлоқларида сув таъминоти, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш.	Навоий ва Самарқанд вилоятларининг чекка ва бориш қийин бўлган туманлари аҳолиси ҳаёт сифатини тубдан ўзгартириш, ҳудудлар, йўлларни ободонлаштириш, сув таъминоти ва канализация, электр тармоқлари тизимларини таъмирлаш лойиҳаларни амалга ошириш.	200,0	200,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сон қарори
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги					
14	Соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббий кислород билан таъминлаш бўйича замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.	Республиканинг даволаш-профилактика муассасаларини Соғлиқни сақлаш муассасаларини кислороднинг палата концентрантлари замонавий ускунаси билан жиҳозлаш.	15,0	15,0	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1057-сон қарори
15	Ўзбекистон Республикаси перинатал хизматини такомиллаштириш.	Республиканинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг чақалоқларнинг тирик туғилиши мезонларига тўлиқ ўтишини ҳисобга олган ҳолда барча тугруққа кўмаклашиш муассасаларида оналар ва чақалоқларга сифатли тиббий ёрдам берилишини таъминлаш, бу перинатал ёрдамни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни, чақалоқларни парвариш қилиш реанимациясига ҳамда оналар, перинитал ва чақалоқлар ўлимини пасайтиришга йўналтирилган аралаштириш пакетларини тўлиқ жиҳозлаш ва қабул қилишни талаб қилади.	40,0	40,0	Соғлиқни сақлаш вазирлиги таклифи
Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлиги					
16	Бухоро вилоятининг Когон тумани сув таъминотини яхшилаш.	Аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш, 113 км сув қувурини ётқизиш.	71,9	57,5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги					
17	581-698 км участкада А-380 "Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнов" автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	Автомобиль йўллари сифатини яхшилаш ва ўтказиш қувватини ошириш учун цемент-бетон қопламали 4 полосали автомобиль йўлини реконструкция қилиш.	257,0	234,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сон қарори
2021 йил учун ҳаммаси			583,9	546,5	
2019-2021 йиллар учун ЖАМИ			2 042,2	1 785,4	

Изоҳ.

Лойиҳаларни тайёрлаш муддатлари ва лойиҳа қийматлари ИТБ қодалари ва тартиботлари ва лойиҳанинг тасдиқланган техник-иктисодий асосларига мувофиқ, шунингдек, лойиҳаларни молиялаштириш учун ИТБ розилигини олишга кўра ўзгартирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 майдаги
428 -сон қарорига
3-илова

**Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан биргаликда амалга ошириш
таклиф қилинаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати**

млн доллар

Т/ р	Лойиҳанинг номи	Лойиҳанинг мақсади	Маъсул вазирлик / идора	Лойиҳа қиймати	Кредит суммаси
Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси (ҚАИРЖ)					
1	Янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида инфратузилмани ривожлантириш тадбирларини биргаликда молиялаштириш.	Коммуникациялар ва инфратузилманинг тегишли тармоқлари билан биргаликда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш йўли билан қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш.	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	168,1	30,0
2	Замонавий технологиялар асосида мактабгача муассасаларни ривожлантириш дастури амалга оширилишини биргаликда молиялаштириш.	Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.	Мактабгача таълим вазирлиги	120,0	30,0
3	Ўзбекистон Республикаси нейрохирургия хизматини юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш.	Республика нейрохирургия марказини ва республика минтақаларида 22 та нейрохирургия бўлинмаларини юқори технологик ускуналар (1180 та) билан жиҳозлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	35,0	28,0
4	Тиббиёт муассасаларини перинатал ёрдамнинг 3-даражаси билан жиҳозлаш.	17 та перинатал муассасани (Республика перинатал маркази, Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг 4 та филиали, 2-Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникасининг туғруқхонаси, 9 та вилоят перинатал марказлари ва Тошкент шаҳар перинатал	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	30,0	23,0

		маркази) замонавий тиббиёт ускуналари (4389 та) билан жиҳозлаш.			
5	Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ва Когон туманида ичимлик сув таъминотини яхшилаш.	Мавжуд сув таъминоти тизимларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш йўли билан Бухоро вилоятининг Когон шаҳри ва Когон туманининг яқин қишлоқлари аҳолисининг сув таъминотини яхшилаш.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	71,9	57,5
Жами:				425,0	168,5
Саудия ривожланиш жамғармаси (СРЖ)					
6	Замонавий технологиялар асосида Мактабгача муассасаларни ривожлантириш дастурини амалга оширишни биргаликда молиялаштириш.	Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.	Мактабгача таълим вазирлиги	120,0	30,0
7	Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида ичимлик сув таъминотини яхшилаш.	56 км (Д-250-530 мм) узунликдаги магистрал сув қувурини ва сувни тақсимлашнинг 8 та узелларини ҳамда 20 км (Д-50-160 мм) тақсимлаш тармоқларини қуриш.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	26,7	22,5
8	Қишлоқ жойларда янгиланган лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури.	Коммуникациялар ва инфратузилманинг тегишли тармоқлари билан биргаликда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш йўли билан қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш.	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	100,0	75,0
Жами:				246,7	127,5
ОПЕК халқаро ривожланиш жамғармаси (ОПЕК жамғармаси)					
9	Наманган вилоятининг Заркент, Хўжакент, Исковот, Булоқбоши, Бўстон, Ёшлик шаҳарчалари ва Наманган шаҳрининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш.	Янгиқўрғон тумани ва Наманган шаҳрининг шимолий қисми аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни такомиллаштириш, сув таъминоти тизими ишининг ишончлилигини мустаҳкамлаш, ресурсларни тежаш чора-тадбирларини	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	75,0	54,0

		амалга ошириш, “Заркент ва Булоқбоши сув чиқариш иншоотларини, ичимлик сувни таксимлайдиган янги тармоқларни куриш. Ичимлик сувдан ноқиллона фойдаланишни, сувнинг йўқотилиши ва сиркиб оқиб кетишини камайтириш.			
10	Замонавий технологиялар асосида Мактабгача муассасаларни ривожлантириш дастури амалга оширилишини биргаликда молиялаштириш.	Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.	Мактабгача таълим вазирлиги	120,0	30,0
11	Урганч шаҳрининг иссиқлик таъминотини ривожлантириш схемаси.	Иссиқлик таъминоти тизимига илғор технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан 18 та қозонхонани реконструкция қилиш ва модернизациялаш, 2 та қозонхонани капитал таъмирлаш.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	18,0	14,3
Жами:				213,0	98,3
Абу-Даби ривожланиш жамғармаси (АДРЖ)					
12	Замонавий технологиялар асосида Мактабгача муассасаларни ривожлантириш дастури амалга оширилишини биргаликда молиялаштириш.	Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.	Мактабгача таълим вазирлиги	120,0	30,0
Жами:				120,0	30,0
ҲАММАСИ:				1 004,7	424,3